

ДАВОЛАШ ФАКУЛТЕТИ КАФЕДРАЛАРИДА УКУВ, УКУВ-УСЛУБИЙ, ИЛМИЙ ВА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИНГ ХОЛАТИ

Факультет декани профессор Халматова Б.Т.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизими хамда Олий ва ўрта маҳсус таълимда бир қатор ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, даволаш иши йўналиши бўйича таълимнинг 7 йилдан 6 йилга ўтказилганлиги, дунёдаги етакчи тиббий олий таълим муассасалари билан халқаро хамкорликнинг йўлга қўйилганлиги, таълим жараёнида АҚТ, инглиз тили ўрнининг тобора ортиб бораётганлиги, таълимда инновацион технологияларнинг кўлланилиши ва х.к. Хар томонлама етук, рақаботбардош умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш тиббий таълимнинг асосий вазифаси хисобланади.

Даволаш факультетига 15 та клиник кафедра бириктирилган. Бугунги кунда факультетда 316 та профессор-ўқитувчилар фаолият юритиши мөнозада (243,75 штат бирлигига). Булар орасида 1 та академик, 60 та тиббиёт фанлари доктори, 100 та тиббиёт фанлари номзоди. Факультетнинг илмий салоҳияти – 60%. 2018 йилда факультет профессор-ўқитувчилари томонидан «Web of Science», «Scopus» ва бошқа халқаро эътироф этилган базаларга киритилган журнallарда 41 та мақола, ОАҚ рўйхатидаги журнallарда 95 та илмий мақола, 23 та монография, ахборот коммуникация технологияларига доир 3 та дастур, 16 та муаллифлик хуқуки олинган.

Факультет профессор-ўқитувчилари томонидан 2018 йилда 5 та дарслик, 2 та ўкув қўлланмага гриф олинган.

Факультет кафедралари томонидан бугунги кунда амамлий машғулотлар 50/50 тизимда олиб борилмоқда. Битирувчи курс талабаларининг 60% амалий машғулотлари кишлоқ врачлик пунктлари, оиласиб поликлиникаларда олиб борилмоқда.

Факультетда халқаро хамкорлик алоқалари мустахкамланмоқда. Ўтган ўкув йили мобайнида факультет кафедралари Россия, Беларуссия, Украина, Грузия, Хиндистон, Корея, Руминия, Туркия, Германия, Испания давлатларидан 30 дан ортиқ профессорлар ташриф буоришган ва талабалар, магистрлар, клиник ординаторлар учун маърузалар, маҳорат дарсларини ўтказишган.

Ҳисоб йилида факультетнинг 100 дан ортиқ профессор-ўқитувчилари хорижий олий таълим муассасалари билан халқаро конференциялар, семинарлар, илмий ва ўкув лойиҳаларда иштирок этишди.

Факультетда маънавият ва маърифат ишлари яхши йўлга қўйилган. Кафедраларда хафтанинг хар жума куни маънавият соатлари мунтазам равища ўтказилмоқда. Кафедра ходимлари кузги семестр давомида Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 25 ўрта мактабда хамкорлик ишларини олиб боришиди. Жами 12 марта ташриф уюштирилди ва 30 га яқин мавзуларда мактаб ўкувчилари учун тадбирлар ташкиллаштирилди. Факультетта бириктирилган Чигатой маҳалласида хам профессор-ўқитувчилар томонидан маҳалла фуқаролари учун турли мавзуларда 20 га яқин учрашувлар ташкил қилинди.

Факультетта қарашли кафедраларда профессор-ўқитувчиларнинг бугунги кунда академияда бўлаётган ўзгаришларга муносабати ва кафедралардаги мухитни ўрганиш мақсадида аноним сўровнома ўтказилди. Анкетага 30 та савол киритилган бўлиб, улар фаолиятнинг барча жабхаларини қамраб олди. Сўровномада 235 та профессор-ўқитувчилар иштирок этишди (74,3%). Улардан 90,2% асосий штатдаги ўқитувчиларни ташкил қилди. Сўровномада 122 та (51,9%) ассистент, 28 та (11,9%) катта ўқитувчи, 54 та (22,9%) доцент, 22 та (9,3%) профессор ва 9 та (3,8%) кафедра мудирлари иштирок этди.

Ўкув юкламасини қандай баҳолайсиз деган саволга респондентларнинг 80,8% нормал деб жавоб беришган. Қайси сабабларга кўра ТТА да ишлайсиз деган саволга энг кўп белгиланган жавоблар: илмий иш билан ўзғулланиш имконияти бор - 53,1%; професионал ўсиш имконияти борлиги учун - 52,7%; ТТА Ўзбекистонда энг нуфузли

ОТМ бўлгани учун - 44,2% . ТТА даги янгиликларни кузатиб борасизми деган саволга 70,2% респондентлар “ҳа” жавобини беришган. Янгиликларни қайси манбалардан оласиз дейилганда: 60,4% - кафедра мудиридан, 56,1% - ТТА раҳбариятидан, 52,7% - интернет орқали ва 42,5% - деканат орқали деб белгилашган. Академияда ўзгартириш киритмоқчимисиз деган саволга 46,8% респондентлар “ҳа” деб жавоб беришган, лекин ўзингиз ўзгартириш киритаоласизми деган саволга фақат 21,7% “ҳа” жавобини берган. Кафедрада ўзгартириш киритиш керакми деган саволга хам 46,3% “ҳа” жавобини берган, лекин ўзингиз бирор таклиф бераоласизми деган саволга 27,1% “ҳа” деб белгилаган. ТТА ривожланиш стратегияси сизга тушунарлими деган саволга аксарият “ҳа” деган жавобни белгилаган (63,4%). ТТА бўлимларининг ишига аксарият респондентлар ижобий баҳо беришган.

ТТА да Сизга нималар ёқади саволига: раҳбариятнинг кафедраларга самимий муносабати, халқаро бўлим ишининг яхшиланганлиги, илмий иш учун шароит мавжудлиги, профессионал жихатдан ўсиш имконияти мавжудлиги, байрам кунлари турли хил тадбирларнинг ташкил қилиниши кўрсатиб ўтилган.

ТТА да Сизга нима ёқмайди саволига: хужжатбозликнинг кўплиги, кафедраларда интернет тармоғининг йўқлиги, кафедраларнинг моддий-техник базаси талабга жавоб бермаслиги, ТТЖдаги тунги навбатчилик, кафедраларда ўқув хоналарининг етишмаслиги, ишдан кейин ўтказиладиган мажлисларнинг кўпайиб кетганлиги кўрсатилган.

ТТА ривожланиши ва талабаларга билим бериш сифатини яхшилаш учун таклифларингиз қандай деб сўралганда, кўргина педагоглар умуман хеч нарса ёзишмаган. Респондентларнинг атиги 1/3 қисми ўз таклифини берган: академияга энг яхши талабаларни танлаш, суперконтракт асосида талабаларни ўқишга олмаслик, барча бзлимларда ортиқча қоғозбозчиликни тугатиб, 100% электрон хужжат алмашинувига ўтиш, янги ўқув йилидан кредит-модул тизимида дарс бериш, талабалар мустакил ишини кучайтириш, клиник кафедраларда талабалар учун тунги навбатчиликларни кўпайтириш, талбалар ва педагогларнинг меҳнат интизомини кучайтириш.

Факультетдаги муаммолар:

1. Амалий кўнималарни ўтказиш учун зарур бўлган асбоб ускуналар етишмовчилиги, симуляцион марказнинг йўқлиги
2. Кафедраларда моддий техник базаларни эскирганлиги, ўқув хоналарининг етишмаслиги
3. Аксарият кафедралардаги педагог ходимларни меёрий ўқув хужжатлари хақидаги тушунчалари етарли эмаслиги
4. Ўқув цикларини тугатган гурухларда ўзлаштириш ва сифат кўрстаткичлари тахлили ўтказилмаслиги
5. Ёш педагоглар билан “Устоз-шогирд” тизимининг етарли даражада олиб борилмаслиги

Илмий Кенгаш Қарори:

1. Кафедраларда профессор - уқитувчиларнинг илмий салоҳиятини ошириш буйича режа ишлаб чикилсин.

Масъул-Илмий ва инновацион ишлар буйича проректор

Ф.Л.Азизова, даволаш факультети декани Б.Т.Халматова, кафедра мудирлари

Муддат - доимий

2. Кафедраларда хорижий нуфузли университетлар билан хамкорлик алокалари янада кенгайтирилсин.

Масъул-Укув ишлари буйича проректор Ш.А.Боймурадов, илмий ва иииновацион ишлар буйича проректор Ф.Л.Азизова, даволаш факультети декани

Б.Т.Халматова, кафедра мудирлари

Муддат – доимий

3. Клиник базаларни хусусий клиникалар хисобига кенгайтириш механизмлари бўйича таклифлар киритилсин.

Масъул -Укув ишлари буйича проректор Ш.А.Боймурадов,
даволаш факультети декани Б.Т.Халматова, кафедра мудирлари
Муддат – доимий

4. Барча кафедраларда хар бир фан доирасида жорий, оралик ва якуний назорат натижаларининг тахлили утказилиши тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича ишлар олиб борилсин.

Масъул -Укув ишлари буйича проректор Ш.А.Боймурадов, даволаш факультети декани
Б.Т.Халматова, кафедра мудирлари
Муддат – доимий

5. Барча кафедраларда укув жараёнига дойр хужжатлар олиб бориш бўйича кафедра ходимлари учун семинар машғулотлар ташкил этилсин.

Масъул -Укув ишлари буйича проректор Ш.А.Боймурадов,
даволаш факультети декани Б.Т.Халматова, кафедра мудирлари
Муддат – доимий

6. Барча кафедраларда ёш педагоглар тажрибали профессор-доцентларга бириктириб кўйилсин ва мунтазам равишда маҳорат дарслари олиб борилсин.

Масъул -Укув ишлари буйича проректор Ш.А.Боймурадов, даволаш факультети
декани Б.Т.Халматова, кафедра мудирлари
Муддат – доимий